

“ТАСДИҚЛАНГАН”  
“Навоийуран” ДК  
Кузатув кенгашининг  
2022 йил 22 апрелдаги  
3-сон йиғилиш баёнига  
асосан

**“НАВОИЙУРАН” ДК  
КУЗАТУВ КЕНГАШИ ҲУЗУРИДАГИ  
ТАЙИНЛАШ ВА ҲАҚ ТЎЛАШ ҚЎМИТАСИ  
ТЎҒРИСИДА НИЗОМ**

Навоий шаҳар -2022 йил

## **1. Умумий қоидалар**

1.1. “Навоийуран” ДК Кузатув кенгашининг “Тайинлаш ва ҳақ тўлаш қўмитаси тўғрисида”ги Низом (кейинги ўринларда – Низом) Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Корпоратив бошқарув Кодекси, “Навоийуран” ДК Устави (кейинги ўринларда – Корхона), “Навоийуран” ДКнинг “Кузатув Кенгаши тўғрисида”ги Низом асосида ишлаб чиқилган.

1.2. “Навоийуран” ДК Кузатув кенгашининг Тайинлаш ва ҳақ тўлаш қўмитаси (кейинги ўринларда – Қўмита) Корхона Кузатув кенгаши қарори билан ташкил қилиниб, Корхонанинг кадрлар, уларнинг ташкилий ривожланиши ва рағбатлантириш соҳасида олиб бораётган сиёсатининг шаклланиши, назорати, мувофиқлаштирув ва келишувини амалга оширувчи орган ҳисобланади.

1.3. Қўмита ўзига тегишли бўлган ҳуқуқий мақоми, ташкил этилишидаги мақсад ва вазифалари, унинг аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, Қўмита ваколати, Қўмитанинг ташкил этилиши ва қабул қиладиган қарорларини тартибга солувчи Низом асосида фаолият юритади.

1.4. Қўмита ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, корхона Устави, Кузатув кенгаши тўғрисидаги Низом, муассис (таъсисчи) қарорлари, корхона Кузатув кенгаши қарорлари ва корхонанинг бошқа ички меъёрий ҳужжатлари асосида иш юритади.

## **2. Қўмитанинг мақсад ва вазифалари**

2.1. Қўмитанинг ташкил этилишининг асосий мақсади Корхонанинг кадрлар, уларнинг ташкилий ривожланиши ва рағбатлантириш соҳасидаги олиб бораётган сиёсатининг шаклланиши, назорати, мувофиқлаштируви ва келишувини амалга оширишдан иборат.

2.1.1. Қўмитанинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- Кузатув кенгаши ҳам аъзоларининг энг камида корхонанинг кадрлар сиёсати ва ташкилий ривожланиши бўйича қарорлари, шунингдек ички ҳужжатлари ижросини назорат қилиш;

- Корхонанинг самарали бизнес-жараёнлари соҳасидаги ҳаракатларини мувофиқлаштириш;

- Корхонанинг бош директори, ижро этувчи органи аъзоси ҳамда мансабдор шахсларининг муассис (таъсисчи) ва корхонанинг Кузатув кенгаши томонидан тайинладиган ёки сайладиган номзодлар бўйича таклифлар (тавсиялар)ни шакллантириш;

- Корхонанинг бош директори, ижро этувчи орган аъзоларини ҳамда бошқа

мансабдор шахсларининг рағбатлантириш (рағбатлантирилиши) тизими бўйича таклифлар (тавсиялар)ни шакллантириш;

- Корхонанинг бош директори, ижро этувчи орган аъзоларини ҳамда бошқа мансабдор шахсларининг фаолиятини таҳлил қилиш ва баҳолаш;

2.1.2. Корхонанинг Кузатув кенгашига кўриб чиқиши учун олиб чиқиладиган қуйидаги ҳужжатларни олдиндан кўриб чиқиш ва келишиш:

- Корхонанинг Кузатув кенгаши аъзоларига ҳақ ва (ёки) компенсация тўлаш бўйича қарор қабул қилиш учун Корхона муассис (таъсисчи) йиғилиш кун тартибига масалани киритиш;

- Корхонанинг ички ҳужжатларини тасдиқлаш муассис (таъсисчи) ва ижроия органи ваколатлари доирасидаги ички ҳужжатлар бундан мустасно) шу жумладан қуйидаги тартибга солувчи масалаларни киритиш:

- Корхонанинг ташкилий тузилмаси (корхонанинг ташкилий тузилиши, ижро органининг умумий тузилиши ва корхонанинг фаолият жараёнининг кўриниши);

- Корхона бош директори, ижро этувчи органи аъзоси ҳамда мансабдор шахсларини рағбатлантириш тизими ҳамда корхона ходимларини рағбатлантириш соҳасидаги корхонанингсиёсати;

- Корхонанинг бош директори, ижро этувчи органи аъзоси ҳамда мансабдор шахсларини тайинлаш, уларнинг ваколатларини муддатидан олдин бекор қилиш, шу жумладан, улар билан меҳнатшартномасини муддатидан олдин бекор қилиш;

- Корхона бош директори, ижро этувчи органи аъзоси ҳамда мансабдор шахслари билан тузиладиган шартномаларни (уларнинг ваколатлари муддати ва тўланадиган рағбатлантириш ҳамда компенсация миқдори қисмида) тасдиқлаш, уларга ўзгартириш киритиш;

- Корхона бош директори, ижро этувчи органи аъзоси ҳамда мансабдор шахслари томонидан бошқа ташкилотларнинг бошқарув органи аъзоси бўлиши ва бошқа маблағ тўланадиган лавозимларни бирлаштиришини келишади;

- агар шундай вазият юзага келса, корхонанинг вақтинчалик ижро органи раҳбарини тасдиқлаш қарорини қабул қилиш;

- Корхонанинг ташкилий тузилмасини, корхонанинг ижро этувчи орган тузилмасини такомиллаштириш ва уларга ўзгартириш киритиш;

- Корхонанинг алоҳида лавозимларига номзодларни келишиш (кузатув кенгаши томонидан белгиланган лавозимлар рўйхати асосида);

- ижтимоий ва меҳнат муносабатларини тартибга солиш доирасида тузиладиган жамоа шартномаси ва битимларни олдиндан тасдиқлаш;

- Корхона бош директорини давлат мукофотларига тавсия этиш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш;

- Корхона бош директорини рағбатлантириш ёки интизомий жавобгарликга

тортиш;

- Корхонанинг (корхона вакилларининг) бошқа ташкилот бошқарув органи (шу жумладан корхона иштироки бор) ва корхона томонидан хиссадор (иштирокчи) ҳуқуқлари амалга оширилган бошқа ташкилотларнинг умумий йиғилиш (мажлис) кун тартиби масалалари бўйича фикрини, қўмита ваколати доирасида корхона кузатув кенгашининг қарорига асосланган ҳолда аниқлаш;

- юқорида қайд этилганлар билан боғлиқ бўлган бошқа масалалар (корхонанинг Кузатув кенгашининг бошқа қўмиталари ваколатига кирадиган масалалар бундан мустасно);

- Корхонанинг Кузатув кенгаши топшириғи бўйича берилган бошқа масалалар.

### **3. Қўмита ҳуқуқлари**

3.1. Қўйилган вазифаларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

3.1.1. Корхонанинг ижро органидан ва раҳбар ходимларидан ва ўз фаолиятини юритиш учун зарур бўлган маълумот ва ҳужжатларни, шуниндек, корхона иштирокидаги бошқа ташкилотлардан маълумотлар олиш ҳуқуқига эга;

3.1.2. Қўмита ваколатлари доирасидаги қарор ва топшириқларни бажариш, Қўмита йиғилишларида иштирок этиш мақсадида зарур бўлган ҳолатларда Қўмита раиси қарори билан корхонадаги раҳбар шахсларни, корхона Кузатув кенгашининг бошқа Қўмита вакилларини даврий ёки мунтазам равишда таклиф этиш;

3.1.3. Қўмита фикрига кўра масалани чуқурроқ ўрганилишига зарур бўлса, Қўмита ваколатларига тегишли бўлган масала бўйича ўз ташаббусига кўра, корхона Кузатув кенгашининг бошқа қўмиталарининг фикрини талаб қилиб олиш;

3.1.4. Қўмита вазифаларини бажариш мақсадида корхонанинг ички ҳужжатлари ва корхона Кузатув кенгаши қарорларини ижро этиш доирасида, топшириқлар бериш;

3.1.5. Қўмитага тақдим этилаётган маълумотларнинг (маълумот, ҳужжатлар) таркиби ва кўринишига талаблар қўйиш;

3.1.6. Қўмита раиси ҳужжатларни кўриб чиқиш ва улар бўйича қарор қабул қилиш мақсадида Қўмита аъзолари ва таклиф қилинганлар иштирокида оператив йиғилиш (видеоконференция, телефон ва бошқа алоқа воситалари иштирокида) ўтказиш ҳуқуқига эга;

3.1.7. Қўмита олдида қўйилган мақсад ва вазифаларни ҳал этиш билан боғлиқ бўлган муаммолар бўйича таклифлар тайёрлаш учун вақтинчалик ёки мунтазам равишда фаолият юритадиган ишчи гуруҳларни ташкил этиш;

3.1.8. Корхона Кузатув кенгаши томонидан тасдиқлаш учун Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

3.1.9. Корхона ижроия органи ва корхонанинг бошқа мансабдор шахслари билан Қўмита олдида турган вазифаларни ҳал этиш учун зарур бўлган ҳамкорлик қилиш;

3.2. Қўмита ваколати доирасидаги ҳар қандай масала бўйича қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга;

3.3. Кузатув кенгашининг қарори билан Қўмитага қўшимча ҳуқуқлар ҳам берилиши мумкин.

#### **4. Қўмитаси мажлисларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби**

4.1. Қўмитанинг мажлиси Қўмита раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, Қўмитанинг аъзоларининг талабига кўра, шунингдек, Корхона ижроия органи раҳбарининг ёзма талабига кўра чақирилади.

4.2. Қўмита ҳар чорак якунига кўра, зарур бўлганда ҳар ойда, қўмита аъзоларининг шахсан иштирокида ёки бошқа алоқа тармоқларидан фойдаланиш йўли билан ўз мажлисларини ўтказиб туриши лозим. Қўмита Корхонанинг ижроия органи ва бошқа шахсларни Қўмита мажлисларига қатнашиш учун таклиф қилиши, шунингдек зарур бўлганда улардан ахборот талаб қилиши мумкин.

4.3. Қўмита аъзолари муайян масаланинг кечиктирилмай ҳал этилишини талаб қиладиган қоидабузилишлар аниқланган тақдирда Қўмитанинг шошилиш мажлисини чақирилишини талаб қилишлари мумкин.

4.4. Қўмита ўз мажлисларини корхона Кузатув кенгаши мажлисларидан олдин ўтказди.

4.5. Қўмитанинг раиси Қўмита мажлисидаги барча иштирокчиларга уни лозим даражада ўтказишга тайёргарлик кўриш ва унда олиб чиқилган масалаларни муҳокама қилишда фаол иштирок этиш имкониятларини яратади. Қўмитанинг аъзолари Қўмита мажлисларини ўтказишга тайёргарлик кўриш ҳамда уларда иштирок этиш учун етарли даражада вақт ажратишлари лозим.

4.6. Қўмита мажлисида унинг аъзоларининг энг камида 2/3 қисми иштирок этса, мажлис ваколатли ҳисобланади, бунда Қўмита раиси иштирок этиши шарт.

4.7. Қўмитанинг мажлисида қарорлар мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

4.8. Қўмитанинг мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Қўмитанинг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади. Овозлар тенг келган тақдирда, Қўмита раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади. Қўмитанинг қарорига розилик билдирмаган Қўмита аъзоси ўзининг мажбурий тартибда мажлис баённомасига илова қилинадиган алоҳида фикрини қайд этиб қўйиш ва уни Кузатув кенгаши эътиборига ҳавола қилиш ҳуқуқига эга.

4.9. Қўмитанинг қарори Қўмита мажлисининг баённомаси билан расмийлаштирилади. Ушбу баённома Қўмита котиби томонидан юритилади ва овоз беришда иштирок этган Қўмита аъзолари томонидан имзоланади.

4.10. Қўмита мажлисларига котиблик қилиш вазифаси Қўмитанинг биринчи йиғилишида Корхона ходимлари орасидан тайинланади.

4.11. Қўмитанинг раиси:

Қўмитанинг ишини ташкил этади;

Қўмита мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади;

Қўмита мажлисларида баённома юритилишини ташкил этади;

Корхона ички меъёрий ҳужжатлари ва мазкур Низомда назарда тутилган бошқа ҳаракатларни амалга оширади.

4.12. Қўмитанинг котиби:

Қўмита мажлислари баённомаларини юритади ва расмийлаштиради;

Қўмита томонидан кўриб чиқилиши учун кун тартибидаги масалалар бўйича материалларни тайёрлайди ва тақдим қилади;

Қўмитанинг қарорларини, хулосаларини ва баённомаларини олувчиларгача етказиши.

4.13. Қўмита ваколати доирасида қабул қилинган барча қарорлар қабул қилинган кундан бошлаб, Корхона ижроия органи ва бошқа мансабдор шахслари учун ижро этиш мажбурийдир. Ушбу қарорларда кўрсатиб ўтилган мансабдор шахслар қарорнинг ўз вақтида ҳамда қарор ижросига мос равишда бажарилишига шахсан жавобгардирлар. Қўмита қарорлари ижросини назорат қилиш Қўмита раиси томонидан амалга оширилади.

## **5. Қўмита мажбуриятлари.**

5.1. Қўмита қуйидаги мажбуриятларга эга:

5.1.1. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Низом, корхона Устави ва ички ҳужжатлари асосида ўзига юклатилган вазифаларни бажариш ҳамда ўз фаолиятини сидқидилдан олиб бориш;

5.1.2. Корхона Муассисининг ҳуқуқлари, манфаатлари ва қизиқишларини ҳимоя қилиш принциплари асосида фаолият юргизиш;

5.1.3. Корхонанинг тижорат ва хизмат сирларини ошкор этмаслик ҳамда махфийлик талабларини бажариш.

## **6. Қўмита таркиби ва уни тузиш тартиби**

6.1. Қўмита корхона Кузатув кенгаши қарори билан унинг аъзолари орасидан 3 кишидан иборат таркибда сайланади.

6.2. Қўмита аъзоларини сайлаш вақтида ўз ваколатларидан тўлақонли фойдаланишлари учун уларнинг маълумоти, касбий маҳорати, қўмита фаолияти соҳасидаги иш тажрибаси ва бошқа махсус билимга эга эканликлари инобатга олиниши зарур.

6.3. Корхона Кузатув кенгаши қарори билан Қўмитанинг ҳар қандай аъзосининг ваколатлари муддатидан олдин тугатилиши мумкин.

6.4. Қўмита раиси, шунингдек Қўмита аъзолари ҳам корхона Кузатув кенгаши раиси ва Қўмита раиси номига ариза ёзиб ўз ваколатларини тўхтатишлари

мумкин.

6.5. Қўмиитага раҳбарлик қилиш ва фаолиятини ташкил этиш Қўмиита раиси томонидан амалга оширилади.

6.6. Қўмиита раиси корхона Кузатув кенгаши йиғилишида иштирок этаётган аъзоларнинг кўпчилик овози билан Қўмиита аъзолигига сайланган номзодлар орасидан сайланади.

6.7. Корхона Кузатув кенгаши Қўмиита раисини исталган вақтида қайта сайлаш ҳуқуқига эга.

6.8. Қўмиита раисининг вақтинчалик йўқлигида раис вазифасини бажариб туриш аъзолардан бирига юклатилиши мумкин.

## **7. Қўмитанинг иш регламенти**

7.1. Қўмиита ўз вазифаларини амалга оширишда корхона Кузатув кенгашининг бошқа Қўмиталари раислари, Кузатув кенгашининг аъзолари, корхона бош директори ҳамда корхонанинг бошқа мансабдор шахслари билан ўзаро ҳамкорликда олиб боради.

7.2. Корхона бош директори ва корхонанинг бошқа мансабдор шахслари Қўмиита раисининг сўрови асосида Қўмиита ваколати доирасида бажарилиши зарур бўлган мақсад ва вазифаларни амалга оширилиш ҳамда қарор қабул қилиши учун маълумот ва ҳужжатларни тақдим этишга мажбурдирлар. Ушбу Қўмиита томонидан сўралган маълумотлар агар Қўмиита раиси томонидан юборилган сўровномада бошқа муддат кўрсатилмаган бўлса, 3 иш куни ичида тақдим этилиши зарур.

7.3. Қўмиита фаолияти доирасида Қўмиита раисининг шахсий имзоси билан тасдиқланган турли расмий ҳужжатлар расмийлаштирилиши мумкин. Қўмиита йиғилиши (мажлиси) баённомалари, қарор, топшириқ, сўровномалар, хулоса ва хоказо шулар жумласидандир.

7.4. Қўмиита ваколати доирасида қабул қилинган барча қарорлар қабул қилинган кунидан бошлаб, корхона бош директори, Корхонанинг бошқа мансабдор шахслари учун ижро этиш мажбурийдир. Ушбу қарорларда кўрсатиб ўтилган мансабдор шахслар қарорнинг ўз вақтида ҳамда қарор ижросига мос равишда бажарилишига шахсан жавобгардирлар. Қўмиита қарорлари ижросини назорат қилиш Қўмиита раиси томонидан амалга оширилади.

## **8. Якуний қоидалар.**

8.1. Ушбу Низом корхона Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади ҳамда тасдиқланган санадан бошлаб кучга кирган ҳисобланади.

8.2. Ушбу Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки янги тахрирда тасдиқлаш тўғрисидаги қарорни корхона Кузатув кенгаши томонидан Қўмиита раиси ҳамда корхона Кузатув кенгаши раиси ташаббуслари орқали амалга оширилади.